

Энди юзта ҳадис айтиб берасан



09:01 / 09.10.2020 2836

Ибн Абу Заррдан ривоят қилинади: «Машҳур муҳаддис Суфён ибн Уяйна Каъбанинг Бану Ҳошим эшиги олдида ҳаммага кўриниб турадиган баланд жойда ўтирарди. Бир пайт ҳадис талабидаги бир киши келиб, унинг олдида ўтириб, «Эй Абу Муҳаммад, менга ҳадис айтиб беринг», деб илтимос қилди. Суфён унга бир неча ҳадис айтиб берди. У яна айтиб беришни сўраган эди, яна айтди. Яна сўраган эди, яна айтди. Кейин яна сўраган эди, Суфён унинг кўкрагидан итариб юборди. Енгилгина итарганига қарамай, ҳалиги одам тепаликдан пастга тушиб кетди. Воқеага гувоҳ бўлиб турган ҳожилар тезда унинг тепасига тўпланишди. Бир зумда ҳаммаёқни «Суфён ибн Уяйна ҳожилардан бирини ўлдириб қўйди», деган бақир-чақирлар эгаллади. Бу гаплар кўп такрорлангач, Суфён ибн Уяйнанинг пастга юмалаб кетган кишига раҳми келди. Ўрnidан туриб, унинг олдида тушди, «Нима бўлди?» деб сўради. Бечора ёмон тушган шекилли, оёғида тура олмас, оғзидан

сўлаги оқиб ётарди. Яна ғала-ғовур кўтарилиб, «Суфён бир одамни ўлдириб қўйди» деган гаплар эшитилди. Суфён унга: «Шўринг қурғур, ўрнингдан тур. Одамларни ваҳимага соляпсан, нима дейишаётганини эшитмаяпсанми?» деди. У киши паст овозда: «Аллоҳга қасамки, Зухрий билан Амр ибн Динордан юзта ҳадис айтиб бермагунингча ўрнимдан турмайман», деди. Суфён юзта ҳадис айтиб бергандан сўнг ҳалиги киши ҳеч нарса бўлмагандек ўрнимдан турди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан